

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Табиий фанлар факультети

Экология ва география кафедраси

РЕФЕРАТ

Мавзу: Муаммоли таълимни ташкил этиш йўллари

**Бажарувчи: 33-13 гуруҳ талабаси Самиева Ниҳола
Қабул қилувчи: Каршибаева Л**

Гулистон-2016

Муаммоли таълимни ташкил этиш йўллари

У XX асрнинг 60-йиллар педагогикаси тарихида маълумот бериш (1 информатив) характеридаги ўқитишга эътироз анча кучайган эди. Чунки бундай ўқитиш жараёнида ўқувчидан фаоллик талаб қилинмасди. Ўша йиллардан ўқитишда фаоллик психологияси ва у асосида ўқув фаолияти назарияси ривожланди. Натижада, таълимда ўқитишнинг янги-янги усуллари қўлланила бошланди. Улардан бири ўқувчи фаол фикрлашга ўргатувчи масала қўйиб ўқитиш деб аталди. Лекин "масала" сўзи юнон тилидан "муаммо" деб таржима қилинган. Ҳолбуки, "муаммо" сўзининг маъноси "масала" сўзи маъносидан анча теранроқ бўлиб, муаммоли ўқитиш мазмунини беради. Муаммоли ўқитиш технологик йўл билан ривожланад. Натижада муаммоли ўқитишнинг тўрт босқичдан иборат мантиқий схемаси пайдо бўлади. 1) муаммонинг қўйилиши; 2) уни йечиш йўлини аниқлаш; 3) муаммони йечишнинг енг макул йўлини танлаш; 4) муаммони йечиш. Ўқувчи жавобини билмаган саволнинг ҳаммаси ҳам муаммоли вазиятни вужудга келтирмайди. Масалан, Тошкентда қанча одам яшайди? каби масалани йечиш муаммоли вазият бўла олмайди. С. Л.Рубинштейн ўқитиш жараёнида қарама-қаршилик пайдо бўлган вазиятни муаммоли вазият деб атади. Ўқувчи ўқиш (билиш) жараёнида қарама-қаршиликка дуч келса, унинг билишга бўлган қизиқиши янада ортади, яъни мотивация пайдо бўлади. Масалан, жисмнинг сузишини ўрганишда нима учун сувга ташланган темир мих ботиб кетади, темир кема еса сувда сузиб юради? деган савол муаммоли ҳисобланади (чунки бу саволда қарама- қаршилик бор). Бу савол ўқувчини қиёслашга ва талқин этишга, таҳлил қилишга ундайди ва ҳатто мажбуриайди, яъни жисмнинг суюқликда сузиш қонуниятини тушунишга олиб келади. Методологик жихатдан қараганда тушунча орасидаги қарама-қаршилик емас; балки қарама - қаршиликнинг асл манбайи бирламчи. Ўқувчининг ижоди қобилиятини шакллантириш учун уни доимо савол беришга ундаш лозим. Йўқ жойдан саволнинг қандай пайдо бўлишини кўрсатиш, қарама-қаршилик

дарс охирида ойдинлаштирилиб берилиши зарур. Атоқли поляк олими В. Окон шундай ёзади: Ўқувчи тадқиқотчи ўтган йўлни танлашни қанчалик истаса, натижа шунчалик яхши бўлади".

Муаммоли ўқитиш ўқитувчидан катта педагогик маҳорат талаб қилади. Муаммоли ўқитиш таълим сифатининг янги босқичи. Ҳозирги даврда талабага маълумот ва тавсиянинг маълум тўпламини бериш унчалик аҳамиятли эмас, у маълумотни мустақил олиши ва ўз билимига айлантириши учун аниқ ёндашувга ега бўлиши муҳим. Албатта, айрим маълумотни дарс вақтида йеткизиш имкони бўлмай қолади, лекин тежалган вақт ҳисобига хулоса чиқарилади, умумлаштирилади, дунёқараш шакллантирилади, яъни ўқитишнинг муаммоли характери очиб берилади. Бундан ўқувчининг мустақил ва танқидий фикр юритиб, ҳар томонлама асосланган қарор қабул қилиши аҳамиятли. Ўқитишнинг мақсади билимни қуруқ ёдлаб олиш эмас, балки касбий фаолиятида зарур бўладиган амалий кўникмани шакллантириш. Ўқитиш бу билим бериш эмас, балки олдинги авлоднинг ижтимоий тажрибасини ўргатиш. Ўқувчи билан ўқитувчи кенг мулоқотга киришиши лозим. Унга дарсликдаги тайёр билимни бериш билан бирга ҳаёт ва билимдан қандай фойдаланиш ҳақида сўзлашимиз зарур. Муаммоли ўқитиш орқали ўқувчини ўз фикрини айтишга уни ҳимоя қилиш ва баҳслашишга ўргатиш мумкин. Ўқитиш жараёнида қарама-қаршилик бўлмаса баҳс ҳам, мунозара ҳам бўлмайди. Мунозарасиз еса муаммо ўз йечимини топмайди. Дарс жараёнида бир-бирига ҳурмат, ишонч руҳи ҳукмрон бўлиши керак. Ўқувчи ўқитувчининг ўргатишга интилаётганини билиши, уни ўзига тенг кўраётганини яққол ҳис қилиши зарур. Бу еса, шубҳасиз, ўқитишда шахс омилини ҳисобга олиш, бирга ишлаш педагогикасини қўллаш ва таълимни инсонийлаштириш билан узвий боғлиқ. Агар "педагогик технология" "педагогик тизим" тушунчасига яқин ва унинг лойиҳаси ҳисобланса, хусусий предметли педагогик технология хусусий методика тушунчасига яқиндир ва фан мавзусини муайян технология доирасида ўрганади, яъни у ўқитиш технологияси. Бугунги кунда ҳар бир

фан ўқитувчиси ижодкорга айланиши, фан мавзу бўйича лойиҳа иши тайёрлаши ва амалиётга жорий этиши лозим. Зеро, таълим жараёнини ахборотлаштириш ва компютерли педагогик технология ишланмасини яратиш педагогикадаги бурилиш. Педагогик тажрибадан маълумки, муаммоли ўқитишда муаммо тақдим этилиб, таълим олувчи унинг йечимини топишга жалб қилинади. Баъзида йечимни ўқитувчининг ўзи топиб беради. Гап шундаки, илгари кўпроқ айнан машғулоит давомида муаммо йечимини топишга аҳамият берилган. Натижада муаммони йечишга баъзида вақт йетарли бўлса, баъзан вақт тақозосига кўра муаммо ҳал етилмасдан қолган. Бу еса муаммоли ўқитиш аҳамиятини анча пасайтирган. Австралияда муаммоли ўқитишда таълим берувчи томонидан комплекс муаммо қўйилиб, таълим олувчи унинг енг қулай йечимини топишга йўналтирилар экан. Таълим жараёнида мақсадга еришиш учун муаммоли ўқитишга қатор талаб қўйилади. Бу: муаммоли ўқитиш таълим олувчи еҳтиёжини қондириши ва фаоллигини оширишга йўналтирилиши; тақдим етилган муаммо таълим олувчи учун аниқ ва тушунарли бўлиши; қўйилган муаммонинг муҳимлиги; муаммо ўйлаб топилмаслиги, реал ҳаётдан олинниши; таълим олувчи учун муаммонинг аҳамиятлиги; муаммонинг аниқ муқобил йечимга ега бўлиши; таълим олувчининг ҳамкорликда фаол ишлаши; муаммога алоқадор ахборот баъзасини яратиш; муаммонинг бошқаларга ҳам аҳамиятли эканини кўрсатиш демакдир. Муаммоли ўқитишнинг асосий мақсади: таълим олувчининг мазмунли ва изчил билим олишини таъминлаш; муаммо йечимини топиш ва унинг бошқа йечими бўйича ҳам истиқболли режа ишлаб чиқиш; таълим олувчилани гуруҳ-гуруҳ бўлиб ишлаш ва муаммоли вазиятдан чиқиб кетишга ўргатиш; таълим олувчида шахсий масъулият туйғусини уйғотиш ва мустаҳкамлаш. Муаммоли ўқитишда таълим олувчи фаол иштирок этиши лозим. Бу билимни ўзлаштиришнинг муҳим шарти. Бундай тарзда ўқитишда таълим берувчи таълим олувчининг муаммо танлашида кўмаклашиши; муаммони мустақил йечишига имкон бериши; уни муаммо йечимини топишга тўғри йўналтириши ва руҳлантириши;

муаммо йечимини назорат қилувчи эксперт сифатида ўганиши, гуруҳда маслаҳат уюштириши, муаммо йечимини танлаши, муаммони йечишида таълим олувчига доимо мададкор бўлиши лозим.

Муаммоли ўқитиш таълим олувчини мулоҳаза юритишга, масалани таҳлил қилишга, масъулиятни ҳис етишга, мустақил фаолият кўрсатишга, шахсий нуқтайи назарини шакллантиришга, гуруҳ ва жамоа бўлиб ишлашга фаолиятини режалаштириш ва ривожлантиришга ўргатади. Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёнида муаммоли вазиятдан фойдаланиш таълим берувчи учун ҳам, таълим олувчи учун ҳам аҳамиятли.

Ёшлар бизнинг келажагимиз, уларга қанча таълим берсак, юртимиз шунча ривожланади. Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий етган иқтисоди билангина емас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан йетук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қолдириши лозим.

Ёшларнинг ўз устида муттасил иш олиб бориб, иқтидори ва салоҳиятини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган. Шу боис ўқув жараёнини тўғри ташкил қилиш ва билимни самарали йеткизишнинг оқилона усул ва воситасларидан фойдаланиш керак. Айнан бу борада таълимга янги педагогик технологияни тадбиқ қилиш бунга яққол мисолдир. Айниқса, ўқиш жараёнини ташкил қилишда муаммоли усулнинг роли муҳим. Бошланғич мактаб ўқувчиларини фикрлашга ўргатиш лозим бўлса у ҳолда буни қандай амалга ошириш лозим? Бу саволга жавоб беришда фикрлаш психологиясига ёндашиш лозим. Замонавий- илмий тасаввур бўйича фикрлаш - бу шундай махсус муаммонинг йечимики, унинг баъзи шарти юзада ётади (ёки юзаки), бошқаси еса мавжуд бўлмайди. Фикрлаш бу - предмет таҳлилининг кузатишдан яширин бўлган муносабатни намоиш етишга (очишга) қаратилган психологик фаолият. Агар топшириқнинг барча шарти ёритилган бўлса, у ҳолда фикрлаш талаб етилмайди ва инсон бу топшириқни хотира ёки

бевосита қабул қилиш, шунингдек, ўзига хос қарорга олиб боровчи йўл билан ҳал етиши мумкин. Фикрлаш топшириқ бўлганда, (савол) тайёр жавоб на хотирада ва на диққатда бўлмаганида ишга тушади. Шундай қилиб, инсон муайян вақтда муаммоли кўринган вазиятга тушиб қолади, ноаниқ ва номаълум бўлган нарсани ёритиш фаоллашишни тақозо этади. Талаба ва ўқувчини айнан шу нарсага ўқитиш лозим. Фикрлашга ўргатиш - бу билим ўртасидаги тафовутни йечиш, ўқувчи ега бўлган ва ега бўлмаган, аммо юзага келган муаммо-топшириқни йечишда унга асқотадиган билим. Бу борадаги тавсиялар М.Маҳмутовнинг ўқитиш муаммоларига бағишланган китобидан ўрин олган. Худди шу мавзуда И.Ленгернинг рисоласи ҳам мавжуд. Уларнинг ҳар иккиси ҳам педагогика фанлари доктори бўлиб, вазиятни педагогик нуқтайи назардан таърифлашади. Ленгернинг таърифига кўра, бу шундай ўқитишки, бунда ўқувчи ўқув материали асосида тузилган тизимли муаммо ва муаммоли топшириқни йечишга жалб етилади. Муаммоли ўқитишда билим ўқувчига тайёр ҳолда берилмайди, - деб ёзади М.И. Маҳмутов, - балки муаммоли вазият жараёнида унинг ўзи томонидан ўрганиш фаолиятида егалланади. Психолог Т.Кудрявцев ва А.Матюшкин бу фикрни аниқлаштирган ҳолда: муаммоли ўқитиш фақатгина ўқувчи олдида муаммоли вазиятни қўйиш билангина фаоллаштилмайди. Замонавий фикрлаш психологиянинг имконияти нафақат ўқувчи олдида муаммоли вазиятни қўйиш, балки у учун муаммонинг йечимини топиш ва бу йечимни бошқариш имкониятини ҳам беради. Демак, муаммоли ўқитишнинг психологик нуқтайи назардан аҳамиятга молик томони бу ўқувчи олдида фақатгина муаммоли вазият топшириқ қўйиш емас, балки бу муаммони психологик билимнинг фикрлаш қонунияти асосида йечишга ўргатиш ҳам. Бунда муаммоли ўқитиш тамойили сифатида ўқитиш назариясида муаммо, муаммоли вазият, муаммоли топшириқ, муаммоли савол, муаммоли машғулот каби тушунчалар кўп учрайди. Бу тушунчага қандай маъно сингдирилган? "Муаммо" (грекча - проблема - топшириқ) - назарий ёки амалий савол, қайсики унга тайёр жавоб йўқ, шунинг учун ҳам ўрганиш,

текшириш жавобни топиш учун керак бўлади. Одатда, киши олдида муаммо бирор бир ески метод билан йечиб бўлмайдиган топшириқ пайдо бўлганда келиб чиқади. Ўқитиш мақсадида ўқитувчи методик муаммоси методист томонидан ўқувчи олдида атайин қўйилган бўлиши мумкин. Ўқитиш жараёнидаги муаммо ҳаётий муаммонинг модели. Муаммоли вазият - бу субъектнинг муаммо билан тўқнашгандаги рухий ҳолати, у томонидан қийинчилик сифатида аниқ ёки нотўлиқ идрок қилинаётган ва уни йечиш учун янги билим талаб етилиши билан боғлиқ бўлган интеллектуал муаммо. Муаммоли вазиятда пайдо бўлган янги билим субъектнинг егаллашга қаратилган еҳтиёжи шахснинг ўрганишга бўлган фаоллиги. Муаммоли вазият субъектда юзага келган муаммони ўрганишга бўлган муносабатини билдиради, бироқ бу шундай муносабатки, унга кўра уни йечиш йўлини билмайди, бу йўлни еса топиш лозим. Аммо топиш еҳтиёжи фақатгина муаммони аниқ ҳис етишдагина юзага келади. Гап шундаки, маълум бир муаммога дуч келган субъект уни маълум вақтга қадар шунчаки бир қийинчилик деб ўйлайди, лекин муаммо деб ҳисобламайди, қачонки, қандайдир алоҳида йўл билан йечиш лозим бўлгандагина муаммо сифатида назарда тутати. Шундай қилиб, объектив мавжуд бўлган тўсиқ субъект томонидан муаммо сифатида қабул қилинмаслиги ҳам мумкин экан. Ахир фикрлаш фаолияти субъект муаммони аниқ ҳис етгандагина ишга тушади.

А.Н. Леонтьев томонидан қуйидаги мисол келтирилади: авиамодел тўғарагига қатнашувчи ўқувчи катта қизиқиш билан учадиган авиамоделни ясар еди. Инструктор ундан учиш назариясини ўрганиб келишини талаб этади. Аммо, енг кейин ва майда ишни ҳам бажарган ўқувчи учиш назарияси билан деярли қизиқмаган еди. Назарияни билиш зарурлиги ҳақидаги ташвиқот фойда бермади ва ўқувчи учиш назариясига доир китобни ўқиб туриб ҳам фақат амалиётга тааллуқли бўлган жойни тушунар ва еслаб қолар еди. Нимага бола назарияни ўргана олмади? Чунки уни билмаслик болани ҳеч қандай муаммоли вазиятга қўймаси ва амалиётда ҳалал бермас еди. Топшириқни бажаришда қуйидаги усул таклиф қилинди, яъни авиамоделни

ясовчи уни ясабгина қолмаслиги, балки уни учириши ҳам лозим деб ўргатилади ва натижада модел 2 метр ҳам учмай тўхтаб қолганида, "нега бундай бўлди?" деган муаммоли вазият юзага келди. Шунда инструктор назарияни тушунтириб берди ва энди бола муаммоли вазият ёрдамида назарияни ҳам ўрганиш лозимлиги, унинг аҳамияти қанчалик катта эканлигини тушуниб етди. Кўпинча шундай боладикки, аввал тўла-тўқис англолмаган қийинчилик аста-секин муаммоли вазиятга айланади ва шахснинг фикрлаш фаоллигини ошириб, янги билимни, янги услубни егаллаш еҳтиёжини туғдиради. Психологларнинг аниқлашича, фикрлаш жараёни аксарият холда муаммо, савол, ҳаракатланиш ёки қарама-қаршиликдан бошланади. Айнан шундай муаммоли вазиятда субъектнинг фикрлаш фаолияти даражаси аниқланади. Аммо юқоридаги фикр билан ҳар қандай муаммоли вазият фикрлашнинг фаоллигини кўрсатиб беради, деб айта олмаймиз. Вазиятни муаммоли деб қабул қилишдан ташқари субъект бошида қандайдир билим захираси бўлиши лозим. Муаммоли вазият объектив ва кундалик ҳаётда жуда кўп юзага келади, бу субъектдан ишга ижодий ёндашиш ва тўғри фикрлашни талаб этади. Бундан келиб чиқадиган асосий вазифа узлуксиз таълим тизимида шахсда ижодкорлик ва интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш орқали унинг баркамоллигига еришишдан иборат. Муаммоли вазиятларнинг бир қанча турлари бор. Булар.

- фавқулотда вазият;
- инкор вазияти;
- танлаш вазияти;
- низо вазияти;
- фараз вазияти;
- номуносивблик вазияти.

Ўқитувчи муаммоли вазиятларни мавзунинг характеридан келиб чиқиб танлайди ва мантиқий кетма-кетликда жойлаштиради. Ҳар бир вазият учун

ўқувчилар томонидан берилиши мумкин бўлган йечим вариантларини тахмин қилади. Ўқитувчи муаммоли дарсни ташкил этиш режасини тузади.

МУАММО

Муаммонинг 1-аспекти.

Муаммонинг 2-аспекти.

Муаммонинг 3-аспекти.

Муаммоли саволлар 1.2.3... Бугунги кунда ҳар бир педагог муаммоли таълимни ташкил этиш малакаси ва кўникмасига ега бўлиши, амалиётда муаммоли таълим технологияларидан фойдалана олиши зарур. Муаммоли таълимни амалга оширишда "РМИ", "АВВ", "Балиқ суяги", "Нима учун?", "Қандай?", "6х6х6" каби усуллардан фойдаланиш мумкин.

Муаммоли таълим жамёнида "Кейс" лардан фойдаланиш катта самарадориикка еришишга ёрдам беради. "Кейс" тушунчаси - ахборот мажмуаси, "Стади" тушунчаси - таълим деган маънони билдиради. Кейс стади - бу амалий вазиятни ёритиш асосида муаммони тушунишга, баҳолашга ва муаммонинг йечимини топишга ёрдам берувчи ахборот мажмуасидир.

"Нима учун " номли муаммоли технологияни кўриб чиқамиз. *"Нима учун" технологияси асосида ахлоқий тарбия мавзусини таҳлил этиш.* Фикрлар занжири асосида ахлоқий тарбия самарадорлигини ошириш учун ваънги бир ёндашувни ишлаб чиқиш лозим деган хулоса вужудга келди. "Нима учун" технологиясини қўллаш жараёнида кичик гуруҳларда ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш самарали натижа беради. Ҳар бир гуруҳ муаммо юзасидан фикрлар занжирини тайёрлар екан, муаммонинг турли йечимларини таклиф этади. Тақдимот жараёнида баҳолаш меъзонлари асосида ҳар бир гуруҳ фаолияти баҳоланади ва бир муаммонинг комплекс йечимини ишлаб чиқиш имкони вужудга келади.

Республикамізда замонавий педагогик технологияларнинг таџим жараёнига татбиқ етилиши муаммоли таъџимни ҳозирги шароитда долзарб педагогик масалага айлантирди. Муаммоли таъџимнинг асосий мақсади "Кадрлар тайёрлаш миллий дастур" нинг сифат босқичи талаблари асосида билим олувчиларнинг мустақиллиги ва фаоллигини ошириш, тафаккурини ривожлантириш, ўзлаштирган билимларини амалиётга татбиқ етишни кучайтиришдан иборатдир. Муайян мавзуни муаммо шаклида олиб чиқиш билан егалланадиган билим, кўникма ва малакалар йиғиндисига муаммоли таъџим дейилади. Муаммоли таъџим ўзининг махсус тушунчаларига ега бўлиб, унинг моҳиятини билмасдан туриб, машғулотларни муаммоли тарзда ташкил етиб бўлмайди. Муаммоли таъџим қуйидаги асосий тушунчаларга ега:

- муаммо;
- муаммоли савол;
- муаммоли вазифа;
- муаммоли топширик;
- муаммоли вазият.

Муаммоли таъџимнинг дастлабки тушунчаси муаммо ҳисобланади. Муаммо юнонча "проблема" сўзидан олинган бўлиб, вазифа, топширик деган маъноларни англатади. (Бу ҳақда юқорида таъкидлаб ўтилди). Тайёр жавоби бўлмаган ўрганиш, тадқиқ етишни талаб қиладиган назарий ва амалий масала муаммо ҳисобланади.

Инсон ҳаёти ва фаолияти жараёнида чексиз муаммоларга дуч келади, шахсий муаммолар, ижтимоий муаммолар, таъџим-тарбия муаммолари ва бошқалар. Буларнинг ҳар бири ўзига хос йечим йўлларига ега. Таъџимий муаммолар билим олувчидан ақлий жараёнларни бажиришни талаб етади.

Муаммоли таълимнинг асоси муаммоли савол саналади. Муаммоли савол тафаккур қилиш йўли билан изланган номаълумни топишни таъминлайдиган сўроқ бўлиб, алоҳида ҳолда муаммоли вазият ва вазифаларнинг таркибида бўлиши мумкин. Муаммоли саволга фикр юритиш орқали жавоб топилади. Нима учун? нима сабабдан? буни қандай изоҳлаб берасиз? бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? каби сўроқлар муаммоли савол пайдо бўлишини таъминлайди.

Муаммоли савол ва вазифалар биргаликда муаммоли топшириқнинг таркибида келиши мумкин.

Муаммоли топшириқ ўқитувчи, таълим берувчи, китоб муаллифи томонидан муаммоли савол ва вазифа шаклида билим олувчини муаммоли вазиятга туширадиган ўқув топшириғидир.

Муаммоли топшириқ еса, ўз навбатида, муаммоли вазиятга олиб киради.

Муаммоли вазият - субъектнинг психологик ҳолати бўлиб, муаммо билан дуч келганда ақлий қийинчиликнинг пайдо бўлиши, зудлик билан ҳал қилишга халақит берадиган янги билим ва ҳаракат усуллари излаш, уларни топиб, ҳосил бўлган қийинчиликларни бартараф етишни таъминлайди.

Муаммоли ҳолат шахсни янги билимлар олишга даъват этади. Ўқитувчи ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш учун шундай муаммоли таълим элементларини қўллаши керакки, токи уларда дарсликда тайёр жавоб бўлмасин. Бола ўйлансин, излансин, қўшимча китоблар қарашга, матнга қайта-қайта мурожаат қилишга ҳаракат қилсин, чунки дарсликларда тақдим етилган савол ва топшириқлар билан ишлаш ўқувчилардан ортиқча фикрий зўриқиш талаб қилмайди.

Муаммоли таълимда машғулотнинг самарадорлигини таъминлаш учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш тавсия етилади:

- гапни бўлмаслик;
- бир-бирини ешита билиш;

- навбат билан гапириш кўникмаси;
- кўл кўтариш қондасига амал қилиш;
- сабр-қаноатли бўлиш, ўзаро ҳурмат.

Дарсни муаммоли тарзда ташкил қилиш учун биринчи галда ўқувчи баҳс-мунозара юритишга, фикрини еркин баён етишга, танқидий муносабат билдиришга тайёр бўлиши лозим. Бунинг учун кўйиладиган муаммоларга боғлиқ бўлган тушунчалар юзага келтирилади. Сўнгра муаммога аниқлик киритилади, маълум хулосалар чиқарилади.

1. Чақирув босқичи.
2. Англаш босқичи.
3. Фикрлаш босқичи.

Чақирув босқичи - бунда ўқитувчи болаларнинг янги мавзуга оид дастлабки тушунчаларини аниқлайди.

Чақирув босқичининг мақсади:

- дастлабки тушунчаларни аниқ, еркин намоён қилиш (ифодалаш);
- фикрини ифодалаш;
- дарсга бўлган қизиқишни ошириш кабилардан иборатдир.

Англаш босқичи - бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг олган дастлабки тушунчаларига қўшимча маълумотларни жамлаб, янги билим билан боритиш, яъни ўқувчининг билган ва билмаган маълумотини тўлдириш.

Англаш босқичининг мақсади:

- дастлабки тушунчалардан келиб чиқиб, янги билим билан тўлдириш;
- ўқувчилар қизиқишини орттириш;
- таҳлил қилишга, таққослашга ўргатиш;
- янги дарсни баён етиш.

Фикрлаш босқичи - бу босқич дансинг мустаҳкамлаш қисмига тўғри келиб, ўқувчилар дастлабки тушунча, тўлдирилган маълумотни таҳлил қилиб, фикрлайдилар, мустаҳкамлайдилар. Ўқувчилар ўтилган дарс, мавзу ҳақида ўз фикрларини билдирадилар.

Тўғри ташкил етилган дарс ўз самарасини беради. Аммо ҳар бир босқичда қўллайдиган усуллари о ўрганмай туриб, дарс самарадорлигини ошириб бўлмайди. Шундай интерфаолусуллардан бири- "ИНСЕРТ" жадвалидир.

"Инсерт"ўқиш давомида ўз шахсий тушунишларини фаол кўриб чиқишга ёрдам берувчи кучли усул ҳисобланади. Матнни охиригача ўқиб, ундан ҳеч нарсани еслай олмаслик ҳолати кўпчилик ўқувчиларда учрайди. Матнни ўқиётганда ўқувчи фаоллигини тўплаб туриш учун "инсерт" ёрдам беради. "Инсерт" фикрлар босқичини амалга ошириш, идрок етишда муҳим аҳамияга ега.

Масалан, ўқувчиларга фикрлаш босқичида ўқилган матнни самарали тушунишда ўқувчиларга қуйидаги жадвал яқиндан кўмаклашади.

В	+	?

В - ўқувчи билган маълумот.

+

 - ўқувчи учун янгилик бўлган маълумот.

?

 - ўқувчи тушунишга қийналган маълумот.

Ўқувчилар бу шартли белгиларни ўрганганларидан сўнг жадвални тўлдиришади Ушбу жадвалдан ўқувчининг қанча билимга егалиги, янги билим егаллагани ва қайси маълумотлар ҳақида кўшимча янгилик олиши лозимлиги яққол кўринади.

Умуман олганда, ўқитиш фаолиятига муаммоли таълимни олиб кириш осон иш емас, чунки бошланғич синфда тарбияланувчини мустақил фикрлашга ўргатиш учун бундай муаммоли вазиятларни ташкил қилиш ўрта ва юқори синфларга нисбатан фарқ қилади. Бу ёшдаги боланинг ҳаётий тажрибаси кам ва у хулоса чиқаришни билмайди. Улар кўпроқ тақлид қилади.

Бошланғич синфнинг она тили ва ўқиш, математика, табиат дарсларида, ташкии қилинган мустақил ишлар ва уларнинг ёши, интеллектуал имкониятлари доирасидаги муаммоли вазиятлар хулоса чиқаришга емас, фикр айтишга муносабат билдиришга ундайдиган бўлади.

Ўқитувчи шу томонларини ҳисобга олиб, муаммоли таълимни ташкии етиши лозим.

Бошланғич синф ўқувчиларида мустақил фикрлаш малакаларини, мустақил равишда муаммоларни ҳал қилабилиш кўникмасини шакллантириш таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омилидир. Модомики, шундай екан, таълим жараёнини шундай ташкил етиш керакки, токи ўқувчилар билим олиш билан биргаликда, таълим жараёнининг объекти бўлиб қолмасдан, таълим жараёнида ўқитувчининг тенг ҳамкориға айлансин ва мустақил фикрлай олиш малакасини ҳам егаллай борсин.

Ҳаёт жумбоқларини, муаммоларни ўрганиш, уларға тегишли жавоб топиш истаги, яна ҳам тўғрироғи, бахт-саодатға еришиш муаммоси, инсоннинг ва оламни билишға бўлган изланиши асрлар мобайнида фикрлашға, ўз фикрларини мантиқий асослашға даъват қилиб келади. Шарқ алломалари асарларида бу муаммоға алоҳида тўхталиб ўтилгани бежиз емас. Зеро, мустақил, онгли фаолият юритадиган инсонгина ўз халқи, Ватани, ота-онаси олдидаги бурчини уддалай олади ва ҳар қандай йўл таъсирларға берилиб кетмайди, инсон деган улуғномға муносиб иш кўради.

Шарқ ва Ғарб олимлари бу муаммони ўзлари яшаб ўтган давр ижтимоий муҳитидан келиб чиққан ҳолда йечишға ҳаракат қилганлар.

Инсон тафаккурининг беқиёс кенгликлари хусусида "Қуръони карим" ва "Авесто"да диний асосда талқин қилинган бўлса, уни Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний каби қомусий олимлар илмий-бадий усулда талқин қилганлар. Сўнгги даврлаиға мансуб олимларнинг асариарида еса илмийлик услуби устунлик қилади.

Муаммонинг илдизига теранроқ назар ташлаш учун, авало, "мустақил", "мустақиллик" сўзларининг луғавий маъносига тўхтаб ўтиш жоиз. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да "мустақил" сўзи - "ихтиёри ўзида бўлган, тобе, қарам бўлмаган" деган маънони англатиши ёзилган. Илмга бўлган муносабат ислом таълимотида тоат-ибодатдан кўра юқори ўрин тутadi. Буни "Бир соат илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик еса уч ой тутилган нафл рўзадан афзалдир" дейилган ҳадислардан ҳам билиб олишимиз мумкин.

Мустақил мушоҳада юритиш инсон ҳаёти ва фаолиятида муҳим омил экани ҳақидаги фикрларни Розий Абу Бакр Муҳаммад ибн Закарийнинг "Китоб тиб ар-Руҳоний" асарида ҳам учратиш мумкин. У мустақил фикрлай олиш қобилияти ва унинг ҳаётий моҳияти хусусида шундай деб ёзади: "Нафақат ўқиш, балки ўқиганини муҳокама қила олиш, ўқиганини баъзи ҳолларда татбиқ қила олиш қобилиятигина табибни табиб қилади".

Худди шундай дунёқараш Яқин ва Ўрта Шарқдаги илғор педагогик таълимотнинг асосчиси Абу Наср Форобий асарларида ҳам мавжуддир. У билим ўзлаштириш жараёни ҳақида шундай дейди: "Инсон билимларни ақл ва сезиш органлари орқали қўлга киритади... сезилувчи образлар ҳис этиш орқали, ақлий образлар еса сезилувчи образлар орқали билинади..."

Форобий асарларида дидактика масалалари, таълимнинг назарий муаммолари, билимларни егаллаш ва фикрлашнинг фалсафий, физиологик ва психологик асослари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган. У объект ва субъектнинг ўзаро алоқаси, шахсда кечувчи мураккаб физиологик-психик жараёнлар ва шахснинг бой маънавий оламига катта ётибор қаратади. Жумладан, олимнинг фикрича, инсон маънавиятининг олий поғонаси руҳ, ақл ва тафаккур бўлиб, улар инсоннинг билиш фаолиятига хос бўлган ўзига хос шаклларда намоён бўлади.